

Фермер хўжаликларига заҳира ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва янги суғориладиган мавзелардаги ерлар берилди. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!



ИНСОН ва ҚОНУН

№ 5 (361) 2004 йил 3 феврал сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

БОШ ОМИЛ – ИНСОН МАНФААТИ

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина “Обод маҳалла йили” дастури доирасида 5630 та маҳалла ҳудудида кўлаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этиши ҳисобига 155 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, 110 минг нафар кам таъминланган фуқаролар учун иш ўринлари яратилди. Шунингдек, дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдам кўрсатилди, тўрт юз минг нафардан зиёд икки ёшгача боласи бўлган аёлга нафақа тайинланди. 180 мингта кам таъминланган оилага 4 миллиард сўм, 75 минг нафардан зиёд ёлғиз пенсионерларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

олувчи янги меъёрлар билан тўлдириш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Кези келганда яна шуни таъкидлаш керакки, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда доимий ёки умрбод рента шартномаси ҳам муҳим асосий касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик қонунчилиги ҳам фуқароларга турли вазиятлар ва ҳуқуқий муносабатлар жараянида қулай шарт-шароит яратиб бериш, уларга шахс сифатида ўз имкониятларини рўйбга чиқаришлариغا қўмаклашишни назарда тутди.

Худая шартномаси бир томонлама (бир томонда ҳуқуқ ва иккинчи томонда мажбуриятга юзага келадиган) битим бўлиб, реал ижро этилиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз фуқаролари, хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзга фуқароларга, ижтимоий жамғармаларга, давлат ижтимоий ҳимоя муассасаларига (болалар уйлари, қариялар уйлари, мактаблар ва бошқалар) кўрсатиладиган бегараз хайрия ёрдамлари, эҳсон тадбирлари ўз табиатида кўра ҳадяга оид фуқаролик ҳуқуқий шартнома муносабатларидан иборатдир. Шунингдек, турли мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотлар, хорижий ишбилармонлар, халқаро ва хорижий давлатларнинг хайрия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган гуманитар ёрдамлар ҳам аслида ҳадяга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар

сифатида баҳоланади. Хайрия-эҳсон ва инсонпарварлик ёрдамидан иборат бўлган ҳадя шартнома муносабатлари одатдаги шароитда тузилаётган ҳадя шартномаларидан (уй-жойлар, машиналар, бошқа қимматли буюмларни бир шахсдан бошқасига ҳадя қилиб бериш) фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга. Битим шаклига амал қилиш имкони ҳар доим ҳам мавжуд эмаслиги, мақсадли экани, кўпинча ҳадя ҳадяни қабул қилувчининг ўзига эмас, балки унинг юрисдикцияси остида бўлган шахсларга (масалан, маҳалла фуқаролар йиғини қабул қилиб олган махсуслотлар ушбу маҳаллада истикомат қилувчи фуқароларга, болалар уйларига берилган гуманитар бегараз ёрдам унинг тарбияланувчиларига мўлжаллангани ва ҳоказолар) йўналтирилган ана шундай хусусиятлар ҳисобланади.

Шу билан бирга амалиёт Фуқаролик кодексининг ҳадя шартномасига оид бўлган қисмини хайрия ва инсонпарварлик ёрдами хусусиятларидан келиб чиқувчи талабларни ҳисобга



билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга топшириш шартномасида эса бошқа шахсга топширувчи (уй-жой мулкдори бўлган фуқаро) вафот этган тақдирда уй-жой олувчига мулк ҳуқуқи сифатида ўтади.

Ушбу шартнома муносабатлари қария ва ногиронларнинг ҳуқуқларини турли фариблар ва товланчилардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётига нисбатан юзга ке-

лувчи ҳавф-хатарнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олганда рента олувчи ва уй-жойни бошқа шахсга бериш ҳуқуқларини ҳимоялаш чоралари ҳамда меҳнатчи Фуқаролик кодексига ҳам ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса сифатида айтандиган бўлсак, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини қучли ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини амалга ошириш мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдалана олишга ҳам боғлиқ бўлиб, бу борада фуқаролик муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

М. УСМОНОВА, юридик фанлари номзоди

Деҳқоннинг тушига ер кирибди деганларидек, Бағдод туманидаги “Уч уй” ширкат хўжалигида оила пудратчи асосида деҳқончилик қилган Ҳамиджон Уғлонов фермер бўлиш таррадуғидега тушиб қолди. Чунки унинг оила аъзолари бир неча йиллардан бунён ширкат хўжалиги тасарруфидеги 54 гектар ерда оилавий пудрат асосида ишлаб, ахшигина даромад қилар, ер — хазина эканини тушуниб етишган эди.

Фермерлик йўлини тутганлар меҳнатлари яраша даромад топиб, оила фаровонлигини юқори даражага кўтарганини кўриб-билиб юришганди. Қисқаси, ана шу мақсадда Ҳамиджон Уғлонов дархол фермер хўжалиги ташкил этиш учун ўзлари ишлаётган ер майдонини ажратиб бергани сўраб, 2002 йил 22 июлда ширкат хўжалиги бошқарувига ариза берди. Табиийки, унинг аризаси хўжалигининг ер бериш комиссияси томонидан кўриб чиқилди ва ариза қаноатлантирилди. “Уч уй” ширкат хўжалигининг 2003 йил 8 январдаги умумий ҳисоботи йиғилишида мазкур аризани кўриб чиқиб, пудратчи Х.Уғлоновга фермер хўжалиги ташкил этиши учун 18,4 гектар ер ажратиб бериш юзасидан қарор қабул қилиниб, қарорнинг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўраланди. Лекин фермерликка ҳавасманд Х.Уғлонов шу хатти-харакати билан сансалорлик кўчасида бош суқатганидан тамомилла бе-хабар эди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш ва иш юритиш бўйича мутахассислар маслаҳати билан бизнес лойиҳа ҳам тайёрланди. Туман ҳокимлиги ҳузурига эришган Ҳ.Уғлонов шундан кейин комиссия аъзолари томонидан ҳам хулоса имзоланиб, Х.Уғлоновнинг аризаси асосида “Уғлонбой ота” номли фермер хўжалигига ер ажратилиш ҳақидаги қарор лойиҳаси тайёрланди

ва тасдиқлаб, давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ҳокими Ш.Солижоновга ҳам берилди. Одатда, бундай ҳолатларда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорини 3-иловадаги тартибга кўра, фуқаронинг аризаси ва ширкат хўжали-

Ajab savdolar

қуриб чиқиб, фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони бериш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим эди. Бироқ туман ҳокими Ш.Солижонов негадир фуқаро Х.Уғлоновнинг фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатларини имзолаб, қарор чиқариш ишига панжа орасидан қаради. Бошқача айтганда, ҳужжатлар сувага тушган тошдек домдараксиз кетди. Ҳамид Уғлонов туман ҳокимлигига зир югуришини қўймади. Ҳокимликнинг ҳуқуқшуноси эса “Мен ўзим қарорни тасдиқлаб берман” деб аризагининг қўйини пуч бўлаётган Ҳамид Уғлонов туман ҳокимининг қарор чиқариб беришини кўтиб роппа-роса бир йил югурди. Бундан кейин туманда бундай аҳволга тушган фақат Х.Уғлонов эмас экан. “Уч уй” ширкат хўжалигининг яна бир пудратчиси М.Қўчқоров ҳам фермер бўламан деб, айнан ҳаммишғили Х.Уғлоновнинг ҳолатига тушди. М.Қўчқоров ҳам ширкат хўжалиги 2003 йил 8 январдан ўзи ишлаётган 17,7 гектар ер майдонини фермер хўжалик қилиб бериш юзасидан умумий ҳисоботи йиғилиш қарорини чиқариб берганди. Ҳоким Ш.Солижонов бу фуқаронинг ҳужжатларини ҳам имзоламади.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Мамлакатимиз Конституциясининг 64-моддаси ва “Оила” кодексининг 96-моддасига биноан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқши ва тарбиялашга мажбурдир. Ушбу қонуний қарор ўз навабтида алимент ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳам келтириб чиқаради. “Алимент” сўзи аслида лотинча сўздан олинган бўлиб, таъминот бериш, боқши, деган маъноларни англатади.

АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Оила қонунчилигида ота-онанинг вояга етмаган болаларига, ота-онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, болалар муассасаларига жойлаштирилган болаларга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига, муомалага лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр-хотинлар ва бошқ эр-хотинларнинг бир-бирларига, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг бир-бирларига нисбатан алимент

ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари қайд этилган. Шунингдек, алимент мажбуриятлари ихтиёрий келишув ва суд томонидан мажбурий тартибда амалга оширилади. Алимент мажбуриятларининг ихтиёрий ва келишув асосида амалга ошириш шакллари алимент тўловчи билан алимент олувчи ўртасидаги эркин, ихтиёрий алимент тўловларини тўлаш ҳисобланади. Алимент тўлашнинг ихтиёрий шакли алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментини ихтиёрий равишда шахсан ёки ўзини ариза-

мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойда тўланади. Алиментнинг бундай шаклида алимент тўловчи шахсан ўзи ёки почта орқали тегишли пул маблағларини топшириши мумкин. Алимент тўлашнинг келишув шаклида никоҳ шартномаси ёки алоҳида шартнома асосида ихтиёрий тарзда ўзаро келишилди. Бунда никоҳда турганлик ёки никоҳдан ажрашганлик ҳисобга олинмайди.

(Давоми учинчи бетда)

ҚўШМА КОРХОНА ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган “Интер-Роҳат” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Тошкент вилояти адлия бошқармасида 2003 йил 25 апрелда рўйхатга олинган бўлиб, унинг низоми жамғармасининг 75 фоизи (125.204 доллар)ни чет эл инвестицияси ташкил этади.

Бироқ Қибрай тумани давлат солиқ инспекцияси амалдаги қонунга зид равишда “Интер-Роҳат” қўшма корхонасининг 2 йил давомида даромад

солиғидан озод қилиш ҳақидаги аризасини рад этган. Оқибатда ўтган йилнинг май-июн ойларида қўшма корхонадан 3.932.000 сўм миқдорда даромад солиғи ундирилган. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан қўшма корхона аризаси урганиб чиқилди ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Қибрай тумани давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритилди.

Туман давлат солиқ инспекциясидан олинган жавоб ҳақида тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилгани маълум қилинган. “Интер-Роҳат” қўшма корхонасининг ҳуқуқи тикланиб, рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2 йил муддатга даромад солиғидан озод этилган. Ноқонуний ундирилган 3.932.000 сўм қўшма корхонага қайтарилган.

Qonun ko'magi

номига бажарилши мажбурий бўлган тақдимнома киритилди. Натияжада мазкур қонунбузилиш ҳолатига ҳам чек қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги “Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиши қувватлироқ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишда мустаҳкам асос вазифасини ўтамоқда. М.ТҲҲИЕВ, ҳуқуқшунос

To'siq

Поп туманидаги “Файз” фермер хўжалигининг бошлиғи Толиб Аббосхонов 2001 йилнинг август ойларида “Водий” ширкат хўжалигининг раиси В.Иудощев номига ариза ёзган эди. Орадан икки-уч йил вақт ўтди. Лекин “Файз” фермер хўжалиги бошлиғининг бу борадаги барча савий-ҳаракатлари бесамар келяпти. Ҳўш, неча “Файз” фермер хўжалиги бошлиғининг аризаси ўз вақтида ижобий ҳал этилмади?

Шу ўринда “Файз” фермер хўжалиги бошлиғи Т.Аббосхоновнинг 2002 йил 27 декабр куни Наманган вилояти адлия бошқармасига ёзган аризасидан парча келтирсак. “1999 йилнинг октябрда, — деб ёзади у, — “Водий” ширкат хўжалиги худудидан ер олиб, “Файз” фермер хўжалигини ташкил этган эдим. Пахта ва будой етиштириш бўйича режаларни ортиги билан бажар-

ган эдик. Шу боис ширкат хўжалиги томонидан мен бошқараётган “Файз” фермер хўжалигига 2000 йилнинг август ойидан қўшимча 40 гектар ер ажратиб берилмади. Мен зарур ҳужжатларни тайёрладим ва уларни туман ер бериш комиссиясига тақдим этдим. Туман ер бериш комиссияси аъзолари аризамни ўрганиб, “Файз” қолдирилди. 2001 йилнинг 4 август куни “Водий” ширкат хўжалиги раиси номига ариза билан мурожаат қилдим. Лекин ҳеч қандай жавоб ололмадим. 2002 йилдаги аризам ҳам жавобсиз қолди. Яқинда билсам, “Файз” фермер хўжалигига берилмаган контурдаги ер бошқа бир қишига бериб юборилибди.”

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Алимент тўлаш тўғрисида келишув битими тузишнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагиларда кўринади:

1. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув битимининг ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шартлиги;
2. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув битимининг ихро варақаси кучига эга эканлиги;
3. Алимент тўлаш тўғрисида

лиги тегишли маблагни суд тартибда алимент тўловчидан мажбурий тартибда ундиришга сабаб бўлади. Алимент ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан ота-онани бири ёки алимент олиш ҳуқуқига эга бошқа субъектлар, шунингдек, прокурор, вазирлик ва ҳимойлик идоралари мурожаат қилишга ҳақли.

"Оила" кодексининг 142-моддасида алиментни ўз вақтида тўламагани учун алимент тўловчига нисбатан жавобгарлик белгиланган. Чунончи,

ституциянинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қайи назар, қонун олдига тенгдир, деб белгиланган.

Насл-насаб ва фуқаролик ҳолати аслида боланинг кимлардан туғилиши билан боғлиқ бўлади. Бунинг мазмун-моҳиятида оилавий муносабатлар ва унинг асосини ташкил этувчи никоҳ муносабатлари ётади. Қонуний никоҳ орқали тузилган оила эр-хотин ва уларнинг туғилган болаларига қону-

Huquqiy ma'rifat

тузишга оид бир ойлик муддатни кутмаслик, вақтинчалик кўнгилхушлик ҳолатлари, пинхона никоҳ оқибатлари ҳаётида қўллаб-қўллашлари келтириб чиқармоқда. Масалан, туманлараро фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа судида даввогар Э.О.нинг жавобгар Р.Б.га нисбатан оталиқни белгилаш ва алимент ундириши ҳақидаги фуқаролик иши кўрилган.

Иш бўйича даввогар Э.О. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Р.Б. билан шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қургани, чунки даввогарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмагани сабабли қонуний никоҳдан ўтишмагани ва ўзаро турмушларидан Э.М. исмли фарзандли бўлишгани, фарзандини ҳам ота-онасиникида туққанини, жавобгар билан 6 ой бирга яшаганини, шу сабабли ўзининг фамилияси бўйича болага гувоҳнома олгани, боланинг отаси деб Р.Б.ни топиш ва фарзанди учун алимент ундириб беришни сўраган.

Жавобгар Р.Б. суд мажлисида даъвои тан олиб, боланинг отаси ўзи эканини, хотинига аччиқлашиб болага туғилганини ҳақида гувоҳнома олиб бермаганини ва ҳозирда фарзанди таъминоти учун алимент тўлашга розилигини айтган. Суд тарафларнинг тушунтиришларини эшитиб, ишда мавжуд бўлган барча ҳужжатларни атрофлича муҳокама қилиб, жавобгар даъвои тан олганини инобатга олиб Э.М.нинг отаси Р.Б. деб топилиши ва болага нисбатан жавобгардан алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳеч бир давлат идораси, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсунми мажбуриятдан озод қилиниши мумкин эмас. Шундай экан, ҳар бир фуқаро қонунга сўзсиз риоя қилиши, давлат, жамият, оилали оқиллиги мажбуриятларини тулик бажариши лозим. Бу қоида алимент ҳуқуқи ва мажбуриятларига ҳам бевосита талаллуқлидир.

Замира ЭСОНОВА

Tahlil va saboq

ИНСОФ

Фақат халқимизнинг ўзига хос бўлган бебаҳо фазилатлар жуда кўп. Адашганга тўғри йўл кўрсатиш, ишқилганини сўяш уят, инсоф, дийнат, меҳр-оқибат ана шундай фазилатлар сирасига кирди. Бунинг таъкидлашдан мақсад шунки, дунёда баъзи бир миллат вақиллари орасида кекса ота-онасини қаровсиз қолдириш меҳр-оқибатсизлик ҳисобланмасиғи мумкин. Ҳаттоки вожага етган фарзанд қариб қолган ота-онасини бемалол ғарибхонага топшириб кетмаверди. Уш ҳеч ким дийнатсизликка айбланмайди. Қолаверса, бундай ҳол уларда уят ҳам ҳисобланмайди. Инсофсизликка ҳам кирмайди.

Бизда-чи?

"одамнинг лафзи ҳалол", деган нақлга амал қилиб, моллини унга етаклашиб юбордим...

Афсуски, ўша пайтда ота-боболаримиз айтиб кетган "одамнинг оласи ичида бўлади", деган яна бир пурмаёно нақл ёдимга келмаган экан.

Негаки, айтилган муддатда қасб сизиринини пулини олиб келмади. Ваъда қилинган икки ҳафтани ўтказиб, қасбоннинг уйига бордим. У "пулинигизни кечиктиргани учун фоизи билан тўламан", деб айтди. Мен унга "Менгилмурод, мен улғунчиликда пул бериб фойда олиш ҳаром ҳисобланади. Фоизнинг ўзининг ҳалол-покиза ҳақини берсанг, бўлди. Чунки сизирни пул зарурлиги учун сотган эдим", деб тушунтиришга ҳаракат қилдим. У пулини тез қанда ўзи уйимга олиб бориб беришга ваъда берди.

Шундай қилиб, мен қасбонига қатнашдан, қасбон менга ваъда беришдан қорчамда. Охири оқибат 2003 йилнинг май ойида Қумқўрган туман ички ишлар бўлимига ариза беришга мажбур бўлдим.

Аризам билан шуғулланган участка нозир 2003 йилнинг 14 майда Менгилмурод қасбондан "тильхат" олиб келиб берди. (Тильхат ҳам шикоят хатига илова қилинмоқда.) У ўз тильхатда ҳақиқатдан ҳам, мендан бузоқли сизирни уч юз минг сўмга ҳисоблаб олганини, ақин қулларда қарзини узинини ёзган.

(Давоми тўртинчи бетда)

АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

келишув битимига асосан алимент тўловчи ишлаб турган қорхона, ташкилот, муассаса ҳисоб-китоб бўлими томонидан ушланб қолишга ёки алимент тўловчи томонидан пул ёки бошқа шаклдаги ҳаракатлар асосида тўлашга йўл қўйилиши;

4. Алимент тўлаш тўғрисида келишув битими тузиш кейинчалик низо келиб чиққанда судга мурожаат этишни истисно этмайди;

5. Алимент тўлашнинг келишув шакли алимент тўлашнинг барча турларига нисбатан қўлланилади. Шунингдек, Оила кодексининг 134-моддасига мувофиқ алиментлар алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва бошқа даромадига нисбатан улушларда вақти-вақти ёки бир йўла тўланадиган қатъий миқдордаги маблагда, мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда (масалан, моддий ёрдам ёки хизматлар кўрсатиш шаклида ҳам) тўлиниши мумкин.

Алимент ундиришнинг мажбурий шакли суд томонидан мажбурий тартибда амалга оширилган ҳаракат ҳисобланади. Бошқача айтганда, қонунда кўрсатилган алимент мажбуриятларига доир меъёрларнинг бузилиши ёки ўша мажбуриятларни алимент тўловчи томонидан бажарилмас-

алимент тўлаш тўғрисида келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Суднинг ҳал қилув қарорига қўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент маблагининг ўндан бир фоизи миқдорда алимент олувчига «неустойка» тўлайди.

Алимент тўлашдан қасддан бош тортиш алимент тўловчини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Оила кодексининг 116-моддаси), алимент тўловчини жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (ЖКнинг 122-моддаси).

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, амалиётда ота-оналар томонидан болаларни ихтиёрий равишда таъминламаслик, ота-оналик бурчини эсдан чиқариш, алиментни ўз вақтида тўламаслик ёки тегишли иш жойларида ўтказишга пул йўқлигини рўқач қилиш ҳолатлари қўллаб ўчрайди.

Бирок бош Қомусимиз бўлган Кон-

нунин ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар белгилайди. Лекин "Оила" кодекси меъёрлари фарзандлар манфаатини кўзлаган ҳолда ҳар қандай никоҳ остида туғилган болаларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади.

Мазкур ҳимоя воситалари никоҳсиз туғилган болаларга нисбатан оталиқни белгилаш, никоҳлари ҳақиқий эмас, деб топишдан шахслардан туғилган болаларга нисбатан барча ҳуқуқ, мажбуриятларнинг сақлиниб қолиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонуний никоҳда туғилган болаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари билан тенглаштиришда яққол кўринади.

Оталиқни белгилаш ҳаракатлари қонунсиз никоҳ остида яшаган шахслардан туғилган болаларга нисбатан белгилаши низоли ёки нисозсизлик ҳусусиятларига қараб ФХДЭ идораси ёки судга амалга оширилади.

Кези келганда яна шунини айтиш жоизки, бу борадаги муаммолардан чунки никоҳсиз яшаш ҳолатларидир. Чунки никоҳ тузиш ҳақида ФХДЭга ўз вақтида ариза бермаслик ёки никоҳ

алимент тўловчи томонидан бажарилмас-



ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

1. ҚУШНИЛАР
— Қўшни тўғри айтдики, она-си? — деди бўради Шеркул ака ўзини нимадандир хурсанд қилиб сингари кўрсатишга уринаркан.
— Айтмаслигини яхши биласиз-ку, нега мени майна қилгандек тагин сўрайсиз? — деди хотини қўлидаги кир совуни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан.
— Тўй ҳаракатлари билан ҳаётидан кўтарилгандир-да? — деди Шеркул ака бамайлихотир.
— Ариқдаги сувни биздан қизганган одам, тўйга айтари-

ди?! — деди хотини шанғиллаган қўйи.
Шеркул ака хотинининг гапини эшитмагандай, оғилхона томонга бир-икки қадам ташлади-да, негадир яна тўхтади.
— Абдуҳамид девор-дармиён қўшнимиз, тўйига нима тўёна қилсан экан-а? — деди у.
— Уйга кириб кетаётган хотини шартта тўхтаб, эрига юзланди.
— Тўёна эмиш, мана шу совуни ҳам унга раво кўрмайман, тушундингизми? — деди йилмақдан бери бўлиб. — Қаранг, ҳовлидаги қўчатлар ҳам сувсиз-

ликдан қуриб-қақшади. Маҳалланинг болаларига ахши бўлди, томорқани стадинг қилиб олишди. Хотантойлигиниғиз жонимга теғди.
Шеркул ака хотинини бир "гув" этиб, инсофга келишини билганлиги учун сабр-тоқат билан ўзини босди.
— Энди наси, бировни ёмонлашдан осони йўқ, — деди у. — Ховлимиз дўнроқда эканини ҳам ҳисобга олиш керак. Ариқдан сув келмаса, водопроводни суви қуриб қолгани йўқ-ку! Айбни аввал ўзингдан изла, хотин...

Turmush chorrahalarida

энгил тортиб
Шеркул ака охори тўқилмаган костюм-шимини кийиб, гилами қўлтиқлаганча дарвоза томонга йўл олarkan, хотинига шундай гап қилди: — Сен ҳам арзани йиғиштириб, қўшининг уйига қарашингга ўтгин.
Хотини индамасди. Сукат эса ризо аломати деб тушунди эри.
Қўшнилар орасига совуқчилик шу йил ёзининг ақини чилла-сида тушган эди Отасидан тан-беда эшитган Норкул экинларни сўғуриш учун жаж қилиб тунда тўғони бузиб келган-у, кейин бола-да, ўхлаб қолган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Taassuf

ДАРЗ КЕТТАН ИШОНЧ

Чирокчи туманидаги мактаблардан бирида директор бўлиб ишлаётган А.А. кишлоқ врачлик амбулаториясида мудири Б.Э. ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси Р.Б.лар билан расмий ҳужжат ҳисобланган меҳнатта лаёқатсизлик ҳақидаги варақани қалбақлаштириб, шу қалбаки ҳужжат асосида ўзганинг мулкани талон-тарож қилишга олдидан ўзаро келишиб олишди. Шундан сўнг шифокор Б.Э. 12-мактаб ўқитувчиси Л.М. номига 2001 йил 10 майдан 11 сентябрга қадар ҳомилдорлиги сабабли меҳнатта лаёқатсизлиги ҳақидаги У-17 серияли 127673-рақамли варақани сохталаштириб, уни мактаб директори А.А.га бериб юборди. А.А. эса ҳеч икхиланмай, бу варақани халқ таълими бўлими ҳисобчиси Р.Б. билан бирга сохта ёзувлар қиритган ҳолда ҳисобхонага топшириб, фуқаро Л.М. номига ёзилган 73872 сўми мулкни талон-тарож қилган. Унинг ҳам-қасби Б.А. ҳам бошқа қасбдорларидан орқада қолгани келмай. "Работ" кишлоқ врачлик амбулаториясидан бир дон қасаллик варақасини қўлга қиритиб, уни 12-сонли мактаб ўқитувчиси Я.Б. номига тўлғазиб, 51944 сўм пулни ўзлаштириб, талон-тарож қилган. Албатта, қонун посбонлари аралашувидан кейин сохтакорларнинг тубан қилмиши фош этилиб, келтирилган зарар тўлиқ қопланди. Уларнинг жиноий иши юзасидан ўзлаштирилган суд мажлисида айбдорлар ўз айбларига тўлиқ иқроорлик билдириб, қилмишларидан минг бор пушаймонлигини такор-такор айтишди.

Бирок ён-атрофдаги одамлар энди уларга ишонармикан?
Бизингча, ҳамма гап шунда.

Х.ҲАЙИТОВ,
хуқуқшунос
Ғози РАҲМОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР НИМА?

ўтган қорхона ва шахслар ўзлари яратган махсуслотларни қонунсиз ишлаб чиқариш ёки такорралангани олдини олиш мақсадида ўз ҳуқуқларининг халқаро миқёсда ҳимояланганини талаб эта бошлади. Бу даврда муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилиш тизими яратилган эди. Яъни "Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн конвенцияси" (1886 йил), "Муаллифлик ҳуқуқига оид Бюнекарнак Женева конвенцияси" (1952 йил) ва бошқа шартномалар яратилган бўлиб, дунёнинг кўпгина етакчи мамлакатлари бу шартномаларга аъзо эди. Аъзо мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик фаолият юрита бошлади.

Муаллифлар томонидан яратилган асарлар ижроси жараёнида, айниқса, бир мамлакатда яратилган асардан бошқа мамлакатларда бошқача усулда фойдаланилганда муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари юз бера бошлади. Шу боис муаллифлар ҳуқуқларини бутун дунёда бир хилда ҳимоя

қилиш учун халқаро тизим яратиш эҳти-ёжи юзага келди.
1961 йил 26 октябрда Римда "Ижро-чилар, фонограмма ишлаб чиқарувчи-

лар ҳам муаллифлар, ҳам турдош ҳуқуқлар субъектларининг тегишли ҳуқуқларини бузди. Қисқаси, асарлардан такорран фойдаланиш, ёзиб олиш, узасти, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланувчилар билан турдош ҳуқуқлар субъектлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатлар конвенция меъёрлари орқали тартибга солинади.
Конвенцияга асосан:
- фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини;
- ижрочилар, артистлар ва бошқа жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини;
- эфир орқали дастурларини тарқатувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланади.
Халқаро шартномаларнинг талаблари миллий қонунчилигимизда ўз акси-

Jahon tajribasi

рига мослаштириш лозим. Чунки мамлакатимиз келгусида халқаро конвенцияга аъзо бўлганда бошқа мамлакатлар турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини ҳам ўз ҳудудида таъминлаши, яъни конвенциядаги "миллий тартиб" тамойилига тўлиқ амал қилиши ва бу ҳақида вақти-вақти билан аъзо давлатларга ҳисоб бериб туриши лозим бўлади.
Турдош ҳуқуқларни халқаро доирада ҳимоя қилиш тизимининг яратилишида Рим конвенцияси "халқаро ҳуқуқий восита" бўлиб хизмат қилди. Шундан сўнг турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши кенгайтириш мақсадида 1971 йили "Фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш ҳақида"ги Женева конвенцияси, 1974 йили "Сўнғий йўлдош орқали дастур сигналларини тарқатиш ҳақида"ги Брюссел конвенцияси, 1996 йили Бутунжапон интеллектуал мулк ташкилотининг "Ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси" қабул қилинди.
Турдош ҳуқуқларни халқаро миқёсда ҳимоя қилишда юқоридаги универсал шартномалар ҳуқуқий асос ҳисобланади. Миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқий меъёрлардан генероқ фойдаланиш икки ҳимоя тизими (турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулквий ҳуқуқларини ҳамда бўлиб бошқарувчи ташкилотларни тузиш ва бошқарушни шакллантиришда амалий кўмак бўлиши ҳам мумкин. Субъектларнинг мулквий ҳуқуқларини таъминлашда устувор тамойил сифатида халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари қўлланилади. Шунга қўра, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва худоса чиқариш, миллий ташкилотлар фаолиятини таҳлил этиш, амалда ишлайдиган янги тизимни яратишнинг стратегик йўналишлари ва назарий асосларини белгилаб олишда ёрдам бериши мумкин.

Гулнора ХУДОЙБЕРДИЕВА, тадқиқотчи

ОИЛА МУҚАДДАС ДАРГОҲ

"... Сизларни бир оила деб эълон қиламан!"
Кўпчилигимизга таниш ва қадрдон бўлган бу самимий сўзлар ҳар кун бу масканда бир неча марта ангайди. Чунки Гулистон шаҳридаги вилоят никоҳ саройида йилга мингдан зиёд никоҳ қайд этилади. Демак, бу даргоҳда ҳар йили минглаб янги оилаларга пой-девор қўйилади. Агар вилоятдаги жами никоҳларнинг тўртдан бири қисми ушбу саройда қайд этилишини ҳисобга олсак, бу қўла янада яққолроқ намоён бўлади.
Бу масканда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг "Оила" илмий-амалий маркази, соғлиқни сақлаш тизимининг "Оналикни ва болалиқни муҳофаза қилиш" махсус "Репродукция" марказидан ташқари ўйлаб-машиқ хизмат соҳалари ҳам фаолият кўрсатиб турибди.
Никоҳ саройига келётган ёшлар, аввало, тиббий куриқдан ўтишлари шарт. Ҳўш, кўрик-қотлар натижалари Республика Биз саройига келган ёшларни сўхбатта тортиқ. Ботир ва Юлдуз Баҳодировлар қизақолқлари Диларфўзи билан бирга келишибди.
— Тўйимизга икки йил бўлди, — дейди Ботир. — Биз ҳам барча қатори дастлаб тиббий куриқдан ўтганим. Бунинг самарали томонини ўз ҳаётимиз мисолида қўриб турибмиз. Қизамиз соғлом ўсапти. Ҳозир бахтиёр оилалардан биригим.
Юлдуз ҳам унинг гапларини тасдиқлади:
— Ёшлар тиббий куриқдан, албатта, ўтишлари зарур. Чун-

маъқул даврда оила қуришляпти.
— Мўҳими, Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий куриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги 2003 йил 25 августдаги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан никоҳга кириш ҳақидаги аризага янги маълумот қўиши жорий этилди. Жумладан, унда "... белгиланган тартибда тиббий куриқдан ўтиб, унинг натижалари билан бир-биринининг таништириқ. Бир-биринини соғлиқини ва оилавий аҳволини тўғрисидаги маълумотга эгамиз. Бизга келажакда эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва бурчларини ўзлаштирилди. Никоҳ тузишга ўзаро розилиқини билдириб, ун қонуний рўйхатдан ўтказишни сўраймиз", деб алоҳида таъкидланади. — дейди вилоят ақлими бошқармаси ФХДЭ бўлими етақчи мутахассиси Дилфўза Рисбоева.
Бу маскандан қайтар эканми, кўнглимизда ажиб бир хотиржамлик туйдик. Бўлажак ота-оналарни авайлаётган юрт, ўз келажигини авайлайди, дейишди. Биз энди оила атлашимиз муқаддас даргоҳ остонасидан хатлаётган ёшларимизга шунчалар қўлайлиқлар яратилганини ҳам, тўғилмажк фарзандлар эҳтиромига йўйдиқ. Зеро, соғлом авлод миллатнинг, мамлакатнинг порлоқ келажигини таъминлайди.
Абдулазиз ЯШШИЛКОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

(Давоми. Боши учинчи бетда)
Мана, шунга ҳам саккиз ой бўлди. Мен қассобнинг тилхатини пул ўрнида асраб ўтирибман.

ИНСОФ

Tahlil va saboq

би ушбу мавзудаги ягона мурожаат бўлганда эди, балки ушбу шикоятга бу даражада батафсил тўхталиб ўтирмаган бўларди. Афсуски, шу мазмундаги мурожаатларнинг сони кам эмас. Албатта, тахририятга кимнингдир кимгадир берган пулни ундириб бериш кафолати берилмаган. Шунинг учун ҳам тахририят уларни мутасадди идораларга жўнатди. Лекин бу ўринда айрим мулоҳазалар билан А. Иброҳимовнинг мактубини билан...

Turmush chorrhalarida

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда)
Оқибатда қўшиннинг ҳовлисидан ўтадиган ариқ тошиб, эрталабча ҳаммаёқни сув босиб кетганди. Ушанда Абдуҳамиднинг хотини алам устида қўшинларга қаттиқ гапирган. Икки ўртада даханаки жанжал бўлиб ўтган. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, қўшинлар бир-бирининг ҳовлисига қадам босмай қўйишди. Абдуҳамид аригини одам бўлиб қочиб қўйиб қовлаб, қўшинчиликка бир томи ҳам сув ўтмайди дамба қўриб олди. Шеркул ака ҳам қуврининг ўзи томонини бекитиб ташлади. Бугун тўй баҳона узилган меҳр-оқибат ришталари яна қайта тикланди.

"Мол аччиғи, жон аччиғи", дейишди. Шу орада чидолмасдан Кумқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари судига ҳам мурожаат қилдим. Суддагилар "аввал суд харажатлари учун қирқ беш минг сўм тўлайсиз, кейин аризангизни қабул қиламиз", дейишди...

Ростини айтсам, иккинчи гуруҳ ногирони бўлган мен каби қарияга уч юз минг сўм пул топши осон эмас. Наҳотки, қўриб-билиб туриб, бола-чақамнинг ризикни бир инсофсиз ёл кетаверса-ю, мен қараб қолаверсам.

Илтимос, агар иложи бўлса, менга ёрдам берсангизлар". Ушбу мактубни тахририятимизга Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани, С. Бойматов номидаги ширкат ҳўжалиги, "Мустақиллик"

маҳалласида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Амир Иброҳимов йўллаган. Шикоят-аризага қардорнинг тилхати, гувоҳлар Химмат Жўракулов, Махмуд Сатторов, Соатмурод Хўжаназаров, Шомурод Холиёров, Сафар ва Холмурод Холбоевларнинг тушунтириш хатларидан нўсхалар ҳам илова қилинган. Бир сўз билан айтганда, Алишер Иброҳимовнинг шикоятда келтирилган важларга ишонмасликнинг иложи йўқ.

Шу ўринда киши кўнглида куйидаги мулоҳазалар тугилади: ҳўш, Менглимурод қассоб сизнинг харид қилганидан бугунга қадар ропла-ропа бир йил ўтибди. Бир ногирон одам ўзинга тегишли бўлган мулкни зарурат тўғрисида бозорга олиб чиқса-ю, уни таниган-билган одам қўриб-билиб туриб қўзига чўп сол-

са, мулкни алдаб олиб, пулни тўлама, бу ҳўлчи қандай изоҳлаш мумкин? Айтмоқчимизки, муулмончиликда ҳам, амалдаги қонунчиликда ҳам қассобнинг бу хатти-харакатини оқлаб бўлмайди. Майли, қассоб инсофсизлик қилибди, эҳтимол, бу мақола чоп этилган, Амир Иброҳимов сизнинг пулни олар ҳам дейлик.

Бирок кишини бошқа бир ҳўл ўйлантиради, яъни бу воқеага бевосита гувоҳ бўлганлар — маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар нега шу пайтгача жим? Нега маҳалла оқсоқоллари қассобни инсофга чақиримасди? Нега унинг қўни-қўшниси, қариндош-уруғлари "Ҳўй, барака тоғур, бировнинг ҳақидан қўрқ, ногирон одамнинг ҳақиға хиёнат қилма, бугун жавоби бор", деб ўртага ол-

мади? Нега участка ноизи ўз ишини бор-йўғи қардордан "тилат" олиш, деб тушунди? Аввало, олувчи ва сотувчининг ўртасида бўла-диган ўзаро муомала нега бу даражада чигаллашиб кетди? Маҳалла, боринги, туман миқёсида ҳал бўлиши мумкин бўлган масала нега мамлакат миқёсига кўтарилди?..

Айтилди, маҳалланинг ў-тўрт нафар оқсоқоли қассобни ўртага олиб, «бундай ноинсофликни қўй, бировнинг ҳақи бўйрмайди», деса, эҳтимол қассоб инсофга келармиди?.. Бу саволларнинг ҳаммасига ло-қайдигимиз, эътиборсизлигимиз сабаб, деб айтишимиз мумкинми?..

Мақоламизни ўқиган эзку муштарийнинг кўнглидан «ёзиға шундан бошқа муаммо йўқмиди», деган иштибоҳ ҳам кечиши мумкин. Агар Амир Иброҳимовнинг макту-

Nadomat

ҚОНУН ИНФИРЛИКНИ КЎТАРМАЙДИ

Азалдан маълумки, амалдаги қонунчиликни яхши билган, унинг ҳўқиятини чуқур англаган киши жиноятга ҳеч қачон қўл урмайди. Нега деганда, у ўзининг ҳар бир нотўғри қадами қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан тасаввур қилади. Лекин ҳаётда шундай кимсалар ҳам борки, улар қилаётган иши жиноят эканлигини англама-да, нафси ҳақалак отганида ўзини тия олмайди.

Хасан Рўзимуродов ва Жамолдин Қаршиевлар ана шундай кимсалар сирасидан бўлиб чиқди. Бўёғини сўрасангиз, Х.Рўзимуродовга 2000 йил 7 июлда жиноят ишлари бўйича туман (собиқ У.Юсупов) суди томонидан дастлаб Жиноят Кодексининг 169-модда, 3-қисмининг "б" бандига қўра, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақоси тайинланган, шунингдек, ЖК 72-моддаси билан 2 йил синов муддати белгиланган эди. Юртбошимизнинг 2000 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони шарофати билан у жазодан муддатидан илгари озод бўлди.

Хасан Рўзимуродов ва Жамолдин Қаршиевлар ана шундай кимсалар сирасидан бўлиб чиқди. Бўёғини сўрасангиз, Х.Рўзимуродовга 2000 йил 7 июлда жиноят ишлари бўйича туман (собиқ У.Юсупов) суди томонидан дастлаб Жиноят Кодексининг 169-модда, 3-қисмининг "б" бандига қўра, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақоси тайинланган, шунингдек, ЖК 72-моддаси билан 2 йил синов муддати белгиланган эди. Юртбошимизнинг 2000 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони шарофати билан у жазодан муддатидан илгари озод бўлди.

Аммо у бу баргикенгликдан тўғри хулоса чиқариб олмайди. Аксинча, яна қинғир йўлга кирди, ўғирликка қўл урди. 2003 йил 29 август кечаси Янгимиршор қишлоғида яшовчи қўшинчи Шодмон Қаримовнинг ҳовлисига ўғирликка кириб, бозор нархида 30 минг сўм турадиган 2 дона миллий арабий, 1 дона 15 минг сўмлик жундан тўқилган ва 60 минг сўмлик 1 дона Хива қалин гиламини, ҳар бир метри минг сўм турадиган 41 минг сўмлик бархат ва 9600 сўмлик чит матоларини ҳамда 6 минг сўмлик чинчи чойнакдан иборат жами 191600 сўм миқдоридagi мол-мулкни ўмариб кетди. Шундан сўнг у 3 дона гиламини қишлоқдош Ф.Хусановага 25 минг сўмга, бархат матоларини эса Қаршиевларга 7 минг сўмга сотиб, пуллари ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Аммо у бу баргикенгликдан тўғри хулоса чиқариб олмайди. Аксинча, яна қинғир йўлга кирди, ўғирликка қўл урди. 2003 йил 29 август кечаси Янгимиршор қишлоғида яшовчи қўшинчи Шодмон Қаримовнинг ҳовлисига ўғирликка кириб, бозор нархида 30 минг сўм турадиган 2 дона миллий арабий, 1 дона 15 минг сўмлик жундан тўқилган ва 60 минг сўмлик 1 дона Хива қалин гиламини, ҳар бир метри минг сўм турадиган 41 минг сўмлик бархат ва 9600 сўмлик чит матоларини ҳамда 6 минг сўмлик чинчи чойнакдан иборат жами 191600 сўм миқдоридagi мол-мулкни ўмариб кетди. Шундан сўнг у 3 дона гиламини қишлоқдош Ф.Хусановага 25 минг сўмга, бархат матоларини эса Қаршиевларга 7 минг сўмга сотиб, пуллари ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Мансур АБРАЕВ, ҳуқуқшунос Махмуд ТўРАЕВ, журналист

Аёл... Дунё биро бўлибдики, инсон зоти бу номни ҳамisha буюк ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Ҳақиқатан ҳам аёл ўзгаллик, нафосат тисмоли сифатида асрлар давомида улугулашиб келинган. Бироқ ҳаёт ўз номи билан ҳаёт. Баъзан ўзининг ножиоз қадами билан ана шу улуг номи доғ тушираётган аёллар ҳам учраб туради.

2003 йилнинг 1 июн куни тонгда содир этилган жиноятни эшитиб, нурободликлар ёқа ушлаб қолишди. Уша куни зим-зиё тунда жиноятчилик бир хонадон мол-мулкни талон-тарож қилиш билан бирга беғузур бир инсоннинг умрига ҳам зомин бўлишган...

... Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек, кўчада бемақсад санқиб юрган Хусан Нуробод қўрғонда турадиган таниши Мастуранинг уйига келганда соат кечки ўндан ошиб қолганди. Уй эгаси ёлғиз эмас, балки қўшинчи Саодат билан текин пул топиш режасини тузиб ўтиришганди. Илгари икки марта камалиб чиққан Хусаннинг "айни иштаха очилган вақтда" келгани уларни қувонтириб юборди.

... Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек, кўчада бемақсад санқиб юрган Хусан Нуробод қўрғонда турадиган таниши Мастуранинг уйига келганда соат кечки ўндан ошиб қолганди. Уй эгаси ёлғиз эмас, балки қўшинчи Саодат билан текин пул топиш режасини тузиб ўтиришганди. Илгари икки марта камалиб чиққан Хусаннинг "айни иштаха очилган вақтда" келгани уларни қувонтириб юборди.

Тунги меҳмонни ўтказишга жой тополмай қолган Мастура дилидагини тилига чиқарди: — Насиб қилса, келар шому ирокдин, деган гапни бекорга айтишмаган экан-да, ажазон, — деди у оғзи қулгоғига етиб, — сизбоп иш чиқиб қолди. — Қаңақа иш экан, тушунтириб-роқ гапир, — сўради Хусан ҳам қизикиб. Мастура болалари ётган хона эшигини ёпиб келди-да, шивирлаб гап бошлади: — Кеча қўчада аёлларнинг оғзидан қўшинчи Арслон ака уйдига нарсаларни сотиб, ичиб юргани, янги телевизор ҳам борлигини эшитиб қолдим, — деди у. Шу пайтгача гапга аралашмай ўтирган Саодат туйқус Хусанни

ки, бой бўламан-қоламан, — деди. — Қарзларимиз қўлайиб кетди, — деди Мастура ўзини ёлғондакам йиллаганга солиб. Бирок икки аёлнинг бири қўйиб-бири олиб, бировнинг тоғ-тоғ молдавлати тўғрисидаги гаплари ёқиб тушган бўлса-да, Хусан аввалгига рози бўлмади. У сизга олиш бахонасида кўчага чиқиб кетган бўлса-да, фикру хаёли бўлғуси бошқинчилик ҳақида эди. "Аёл киши барибир аёллигига боради-да, — деди ўзича у сизга рози босиб-босиб тортаркан. — Олти-еттита гилам эмиш... Бировникига киргандан кейин қўлга илинадиган нарсани ҳаммаси олиб чиқилади-да. Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзином, деган гап бекорга айтилма-

АДОЛАТНИНГ ҒОЛИБЛИГИ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Қадим ўтган замонда эмас, ҳозирги пайтда Иштихон туманининг "Мингчино" ширкат ҳўжалиғида яшовчи Раҳимиддин Шодиев туман почта шўба қорхонасига қарашли Барлоқ қишлоғидаги алоқа бўлимининг бошлиғи сифатида кексаларнинг пенсия, кам таъминланган оилаларнинг нафақа пулларини тарқатиш, аҳолидан турли тўловларни йиғиб билан шуғулланар экан. Қўнлар кетидан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтиб Раҳимиддиннинг феъл-атвори ўзгарибди. 2000 йилнинг 19 сентябрда фуқаро Жўракул Юсуповнинг пенсия пулини тўлов қорғозига имзо қўйди-риб бераётган чоғида 4 минг 700 сўмини олиб қолибди, Ж.Юсуповнинг электр-энергия ҳисобини юритиш дафтаридаги пул тўлангани ҳақида имзо қўйиб, муҳр босибди-да, маблағни

Замонавий эртақ Саманов билин Прим Рав-шановнинг пенсия пулларини ҳам тўлов варақасига ўзи имзо чекиб ўзлаштириб юборган экан. Улар пенсия пулларини сўраб келавериш-гач, Р.Шодиев бунинг илжонини қилибди. Тўлов варақасини кўрсатмасдан Ж.Самановга 3869 сўм, П.Равшановга 10 минг 299 сўм бериб, алдаб жўнатиб юборибди. Тўлов варақасини кўрсатганда сир очилиб қолар экан-да. Шу билан Ж.Самановнинг пенсия пулидан 7100 сўм, П.Равшанов хисобидан 2700 сўмга эга бўлиб олди. Р.Шодиев нафақа тўлов варақаларига ҳам фуқароларнинг имзоларини сохташтира-ришга киришибди. Фуқаро А.Абдуллаевнинг имзосини қалбақлаштириб унга тегишли 12 минг 555 сўмини "тўм" қилибди. М.Дехқоновга 7100 сўм, Х.Очиловга 5796 сўм,

Б.Мейликуловага 3382 сўм нафақа пулларини кам берибди. Раҳимиддин кексалар ва кам таъминланган одамларга раҳм қилмасдан фуқароларнинг маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилибди. Шундай қўнларнинг бирини конун деган қўм Раҳимиддиннинг йўлини тўсиб чиқибди. Унинг ўзгалар ҳақини ўзлаштириш фаолиятини илгидан тасиришга чидиринган ўтказибди. Ҳақиқат олдида тиззаси қалтираб қолган Раҳимиддин эшикма-эшик юриб маҳалла-дўшларининг пулларини қайтариб берди. Бу билан у сувдан қурқиб кетолмабди. Жиноят қилгани учун конун олдида жавоб берибди. Шундай қилиб, бировларнинг конуний маблағига қўш тикишдек жирканч иллат устидан адолат ғолиб қилибди. Эртанги Ҳамид ЭГАМ айтиб берди.

Jinoyat va jazo

молларни Хусан яшайдиган Ёнариқ қишлоғига яширишни мўлжаллашди. Бирок улар буюмларнинг ҳаммасини ташиб улгурушмади. Хўқуқни муҳофаза қилувчи идора ҳодимлари тевликда уларнинг жиноятини фож этишди. Тергов жараёнида шу нарсаси маълум бўлдики, Хусан Турсуналиев муқаддам икки марта судланган, панжара ортида ўтириб чиққан. Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармониға асосан жазо муддати қисқартирилиб, ахлок тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Аммо бу ноёбакор кимса озодликнинг қадрига етмай яна жиноятга қўл урган. Суд Хусан Турсуналиевга узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Шунингдек, жиноят ташкилотчилари бўлган Мастура Сайдазова ва Саодат Менглибоева ҳам қилмишларига яраша жазоланишди. Хуллас, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ўйлантириб қўяди. Шу билан мақолага нўкта қўйиш мумкин эди. Лекин бизни масаланинг бошқа бир жиҳати ўйлантириб қўяди. Х.Турсуналиев-қў аввал ҳам қора қурсига ўтирган жиноятчи экан. Аёллар-чи? Уларга нима бўлди? Улар белгиланган жазо муддатини ўтаб қайтган, фарзандлари қўзига қандай қарашади? Энг асосийси, эртага фарзандлари уларни «она» деб аташга ор қилишмасми-кан?

Рустам ХУДОЙҚУЛ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Аёллardan чиққан фитна

Уйга қайтиб кирган Хусанни қўнган аёллар уни кўндириш учун ишни енгиллаштиришга қарор қилишди. — Майли, — дейишди улар бир-бирининг галини қувватлаб, — қўшиннинг факат телевизорини ўғирлаймиз, холос. Барибир биз олмасак, бошқалар ўмариб кетишади. Охирик-оқибат Хусан ўғирликка розилик берди. — Ҳозир қария гирт маст бўлиб қўчада сандирақлаб юрибди, — деди Мастура. — Бунинг устига у эшикнинг қалитини ҳам йўқотиб қўйган. Уйига деразадан кириб-чиқади. Биз ҳам деразадан киришимиз.

Эртанги Ҳамид ЭГАМ айтиб берди.

Нафс вассаси бу гуруҳнинг кўзини қўр, қулғонни қар қилиб ташлаган эди. Энг ёмони, Мастура бири эдингана 4 ёшга, бири 6 ёшга кирган болаларнинг тақдирини ҳам уйлаб қўрмай қўқ ярим тунда ҳамтовоқларини ўғирликка бошлаб берди. Жиний режага мувофиқ Саодат Менглибоева қўнқаватли уйнинг биринчи қаватидаги таниш хонадоннинг деразасини бир неча бор тақиллатди. Ҳеч қим жавоб бермаган, талончилик уй эгаси йўқлигига ишонч ҳосил қилишди. Шундан сўнг икки пойлоқчини ташқарида қолдирган Хусан Турсуналиев нарвон орқали деразадан осонлик билан ичкарига кирди. Қўлидаги чироқ билан ичкарини

қирган Хусан оладиган буюмларнинг қўнлигидан шўшиб қолди. Кейин сал ўзини босиб олиб, гиламларни ташқарида турган ҳамтовоқларига узата бошлади. Шу пайт кўнлимаганда кимдир "Жойингдан қимирлама", дея хитоб қилди. Хусан овоз келган томонга чироқни қаратганда уй эгасига қўзи тушди ва шартта унга ташлабди. Қўчи зарбдан ерга йиқилиб тушган Арслон ота ердан сўраб бақира бошлади. Хусан унинг овозини ўчириб учун кетма-кет мушт туширди ва ҳўшдан кетган қарияни меҳмонхонадаги диванга ётқизиб қўйди. Вазият қалтис туш олганга қарамай, Хусан шаштидан қайтмади. Уйдаги нарсаларни тезроқ олиб чи-

қирган Хусан оладиган буюмларнинг қўнлигидан шўшиб қолди. Кейин сал ўзини босиб олиб, гиламларни ташқарида турган ҳамтовоқларига узата бошлади. Шу пайт кўнлимаганда кимдир "Жойингдан қимирлама", дея хитоб қилди. Хусан овоз келган томонга чироқни қаратганда уй эгасига қўзи тушди ва шартта унга ташлабди. Қўчи зарбдан ерга йиқилиб тушган Арслон ота ердан сўраб бақира бошлади. Хусан унинг овозини ўчириб учун кетма-кет мушт туширди ва ҳўшдан кетган қарияни меҳмонхонадаги диванга ётқизиб қўйди. Вазият қалтис туш олганга қарамай, Хусан шаштидан қайтмади. Уйдаги нарсаларни тезроқ олиб чи-

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДОЛЛАТ Вазирлиги
1996 йилнинг январьдан нашр этилади

Бош муҳаррир: Шодиқул ХАМРОЕВ
ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Иштиёр АБДУЛЛАЕВ, Буритшо МУСТАФОЕВ, Пулат САМАТОВ, Хуршия СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Фаҳрур АБДУМАЖИДОВ, Исом ХАМРО, Ходли НОҒРОЙ, Нормейдан НОРПУЛТАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаффар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма талок ҳақида, офсет усулида "Шарқ" нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси босмоҳонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси 41-уй. Бюджет маъ-219. Тиражи — 7000. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —

Манзил: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50